

ОҚСАРОЙДА
ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 август кунин Оқсаройда Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Корея Республикаси билан стратегик шериклик муносабатларини юксак қадрлашини ва бу муносабатларни янада мустақамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Ислам Каримов ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, давлат бошқаруви янада такомиллаштириш ва «Электрон ҳукумат»ни жорий этиш соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнь ойида Тошкентга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил май ойида Сеулга давлат ташрифлари мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликнинг ҳар томонлама, аввало, иқтисодий соҳада изчил ривожланишига янги суръат бағишлади. Ушбу ташрифлар якунига кўра юздан ортиқ ҳужжат, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий соҳаларда ҳамкорликка оид умумий қиймати 9,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган битимлар имзоланган.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий инвестициявий ва технологик ҳамкорларидан. Мамлакатимизнинг кўп йиллик ишончли шериклари — Жанубий Кореянинг «ЖиЭм-Корея», «Кореан Эйр», «КОГАЗ», «Лотте», «ЖиЭс», «Поско-Дэу», «Самсунг», «Шиндонг», «Колон» каби етакчи компаниялари билан ҳамкорликда нефтьгаз, электротехника, тўқимачилик соҳалари, қурилиш материаллари ва фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш борасида йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган ва бу ҳамкорлик изчил давом этмоқда.

Корея Республикасининг Ўзбекистон иқтисодиётига йўналишган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 440 корхона фаолият юритмоқда, 77 компанияси ваколатхоналари очилган.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Аннинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси очилгани ва бу завод мамлакатларимиз ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликнинг амалдаги ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Жанубий Кореянинг техник қўмағида Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш, ушбу соҳа мутахассисларини ўқитиш ва малякасини ошириш бўйича лойиҳа ҳаётида татбиқ этилди. «LG CNS» компанияси билан 2014 йил июнь ойида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга мувофиқ ташкил этилган «LG CNS Ўзбекистон» қўшма корхонаси «Электрон ҳукумат» тизими ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори учун ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш борасида фаолият юритмоқда.

Хон Юн Сук самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Боксчимиз Шаҳрам Гиёсов
мамлакатимизга дастлабки кумуш
медални тухфа этди

Тўғриси айтиш керак, ҳамюртларимиз унинг чемпион бўлишига умид боғлашганди. Шаҳрам чемпионликка муносиб эди. Аммо қозоғистонлик кучли боксчи, жаҳон чемпионати совриндори Данияр Елуссинов билан бўлган кескин жангда унинг бироз омади келмади. Кичик фарқ билан (1:2) имкониятни бой берди.



Анвар ИЛЕСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

Шундай бўлсада ҳамюртимиз юксак маҳорат ва матонат кўрсатиб, миллионлаб мухлислар ҳурмати қозонди. Қолаверса, олимпиадада кумуш медалга сазовор бўлиш ҳам катта шараф.

Шаҳрам Гиёсов олимпиада шохсупасигача узоқ йўлни босиб ўтди, кўп оиновларга бардош берди. У 1993 йил 7 июль кунин Бухоро шаҳрида тузилган. Бокс билан 10 ёшидан шугуллана бошлаган. 2003 йили Бухоро шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўлимига қабул қилинган. Илк мураббийи Олим Мухамедов.

Шаҳрам Гиёсов беш йилдан бери Равшан Хўжаев қўли остида шугулланмоқда. Ўсмирлар ва ёшлар иштирокидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашган боксчимиз 2012 йилдан катталар ўртасидаги турнирларда рингга чиқа бошлади. Айнан уша йили Симферополь шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақа-

да голиб бўлди. Шаҳрам мазкур турнирнинг энг яхши боксчиси деб топилди. Шу билан бирга, халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига эга бўлди.

Спортчилар учун вазн алмаштириш жараёни осон кечмайди. Бироқ бу нарсаси Шаҳрамга таъсир қилмади. У 2015 йилдан янги вазн тоифасига ўтди. Бунга қадар 64 кг вазн тоифасида рингга кўтарилди келган боксчимиз энди 69 кг вазнда мусобақаларда қатнаша бошлади. Шундан сўнг мамлакат чемпионатида олтин медални қўлга киритди.

Муваффақиятли юришларидан сўнг терма жамоага қабул қилинган Шаҳрам Гиёсов Рио олимпиадаси йўлнамасини жорий йилда Хитойда ўтказилган Осиё-Океания чемпионатида қўлга киритди.

— Ёшлигимда мен ҳам бокс билан шугулланганман, — дейди спортчининг отаси Жамшид Гиёсов. — Лекин илгари

спортчиларни қўлаб-қуватлашга эътибор берилмасди, шароитлар ҳам яхши эмасди. Шу сабабли боксчи ташлашимга тўғри келган. Шаҳрамнинг болалик пайтидаёқ боксга иштиёқи борлигини сезганман. Уни ўзим бокс залига олиб борганман. Менинг ушлаган орзуларимга ўғлим етишини чин дилдан истагандим. Ўғлим мендан яхшироқ шароитда шугуллангани учун

ҳам шу даражага етиб борди. Бунинг учун Президентимизга раҳмат айтаман. Айнан у кишининг спортга кўрсатаётган юксак эътибори сабабли бугун болаларимиз дунё мусобақаларида катта галабаларга эришмоқда.

Ўғлимнинг олимпиадада олган кумуш медали Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб тухфа бўлди, деб ўйлайман...

Рио-де-Жанейро олимпиадаси. Шаҳрам Гиёсов ўтказган жанглр натижалари:

1/16 финал. Йоуба Сиссоко (Испания) — Шаҳрам Гиёсов (Ўзбекистон) 0:3.

1/8 финал. Эймантас Станиосис (Литва) — Шаҳрам Гиёсов (Ўзбекистон) 0:3.

1/4 финал. Шаҳрам Гиёсов (Ўзбекистон) — Ронель Иглесиас (Куба) 3:0.

1/2 финал. Мухаммад Рабии (Марокаш) — Шаҳрам Гиёсов (Ўзбекистон) 0:3.

ФИНАЛ. Шаҳрам Гиёсов (Ўзбекистон) — Данияр Елуссинов (Қозоғистон) 1:2.

Темур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКISTON ХДП АКЦИЯСИ

«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ»

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносабати билан партия фаоллари, депутатлар электрон вакиллари хонадонларида бўлиб, самимий суҳбат қўрмоқда, уларга амалий кўмак бермоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламни қўлаб-қуватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимизда инсон манфаатини ҳимоя қилиш, одамлар муносиб турмуш кечириши учун қўлай шароит яратиш, пенсиялар, имконияти чекланган кишилар, кам таъминланган оилаларга эътибор кўрсатиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, барча даражадаги партия гуруҳлари фаол иштирок этишга ҳаракат қилипти. Партиямиз Дастурида ижтимоий ҳимоя бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шу асосда қатор лойиҳа ва ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жорий йил июль ойидан бери

ўтказиб келинаётган «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси бу борадаги эзгу ишлардан. Ушбу тадбир Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан аҳолининг моддий ва маънавий қўлаб-қуватлаш, уларни йўлантираётган ижтимоий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаёпти.

Акция доирасида партия фаоллари, депутатлар кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари, ногиронлар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олишиб, дилдан суҳбатлашмоқда. Уларга совға-саломлар улашиб, муаммоларини ҳал этишда, хонадонларини обод қилишда кўмаклашмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига қўшимча ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

LEX.UZ

расмий манбага айланади

Қонунчиликка мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборот-номаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба ҳисобланади. Юқорида номи зикр этилган қонун лойиҳаси билан қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси — www.lex.uz сайтини ҳам расмий манба сифатида белгилаш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, бу келгусида фойдаланувчиларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва тўлиқ етказишга, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тезкор ўзлаштиришга қўшимча шарт-шароит яратди.

Ўз мухбиримиз.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДАМИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ
— ЖАМИЯТ
ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида парламент конференцияси бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда сенаторлар, депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, илмий доира вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исmoilов, парламент қўйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар иштирокнинг илк кунлариданок Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тараққиёт йўли белгилаб олганини таъкидлади. Бу жараёнда инсон манфаатларига хизмат қиладиган қонун ижодкорлиги билан шугулланадиган демократик миллий парламент шакллантирилди. Давлат ҳокимияти органлари тизимида унинг роли ва таъсири кучайтирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида иккита партия фракцияси — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларидан иборат «Демократик кучлар блоки» тузилган ва самарали ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва «Адолат» социал-демократик партияси фракциялари тимсолида парламент муҳофизати фаолият кўрсатапти.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда парламент фаолиятини мутлақо янги-ча услубда ташкил этиш, унинг ваколатларини самарали амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омили бўлди. Маърузада белгилаб берилган устувор йўналишлар Қонунчилик палатасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режаларига асос бўлди.

Конференцияда мамлакатимиз раёнақини янада юксалтириш борасида парламент олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш ва прогноزلантиришнинг самарали тизимини яратиш хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Экспертлар иштирокида ўтказилган конференция истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини аниқлаш имконини берди. Анжуман якунида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маърузидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришнинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Норгул АбДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП АКЦИЯСИ

«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ»

■ «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида самимий руҳда қизғин давом этмоқда.

Газетамиз муҳбири Мнажатдин Қўлимуратовнинг хабар беришича, Қорақалпоғистон Республикасида мазкур акция доирасида партия фаоллари, Жўрғи Кеңесдаги фракциямиз аъзолари, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими вакиллари, Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ва ёшлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларни йўқлаб, байрам билан қўтламоқда.

Нукус шаҳридаги «Хаво йўли», «Ақ жағис», «Халқлар дўстлиги», «Шоғис», «Шоирлар овули», «Жийдели байсин» ва бошқа маҳаллаларда истиқомат қиладиган 25 оила ҳолидан хабар олинди.

— Байрам арафасида бизлардан хабар олиб, меҳр улашиб юрган фаолларга катта раҳмат, — дейди Нукус шаҳридаги «Шоирлар овули»да истиқомат қилувчи Гулшира Юсупова. — Юртимизда ҳамма тинч бўлсин.

Умуман, Қорақалпоғистонда акция доирасида 400 га яқин оила ҳолидан хабар олинди, совға-саломлар улашилди.

Андижон вилоят партия кенгаши томонидан ҳамкорлар билан бирга Андижон шаҳридаги «Олтин водий» тантаналар саройида 25 оила фарзандларининг тўйи ўтказилди, уларга совғалар топширилди.

Вилоят муҳбири Аҳмадилло Солиевнинг маълумот беришича, акция юзасидан ўтказилаётган тадбирларда ЎзХДП вилоят кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фахрийлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари фаол иштирок этипти.

Андижон шаҳридаги байрам дастурида карнай-сурнай



садолари остида иштирокчилар ва меҳмонлар кутиб олинди. Андижон вилоят партия кенгаши раиси Абдулхамид Нурматов ҳаммани байрам билан табриклади.

— Болажонларимиз, фарзандларимизга кўрсатилаётган меҳр-эътибор ҳаммамизни қувонтиради, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Камолдидин Қофуров. — Уларнинг камолини кўриш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиз. Партиянинг бу каби ташаббуслари янада кўпайсин.

Навоий вилоят партия кенгаши томонидан ҳам мазкур акция доирасида кўплаб тадбирлар ўтказилди, деб хабар беради вилоят муҳбири Илҳом Сатторов.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан юртимизда истиқлол йилларида кўлга киритилган ютуқлар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинати. Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Конимех тумани «Наврўз» маҳалласида истиқомат қиладиган 1-гуруҳ ногирони Қиримзой Тоштемиева хонадонидан бўлиши.

Совға-саломлар улашиб, дилдан суҳбат қуришди.

— Юртимиздаги меҳр-оқибатга ҳеч қачон қўз тегмасин, — дейди хонадон соҳибаси. — Ҳар байрамда депутатлар, партия ходимлари келиб, ҳол сўраб туради. Бундай ғамхўрликдан мамнунмиз.

«Дўстлик» маҳалласида яшовчи Қалдибек Қалиев ва Сауле Нармуратоваларга ҳам партия гуруҳи аъзолари ва ҳамкор ташкилот вакиллари эсдалик совғалари топширилди.

Шундай тадбирлардан яна бири Денов туманида ўтказилди. Бу ҳақда вилоят муҳбири Абдумалик Хайдаров хабар қилади.

— Ҳудудда 29600 нафарга яқин пенсионер ва 4800 нафардан ортиқ ногирон истиқомат қилади, — дейди ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. — Уларнинг 38 нафари яқка-ёғли кексалар. Улардан тез-тез хабар олиб тураемиз. Бугунги акция ҳам электоратимиз вакиллари кўллаб-қувватлаётган амалий ишларимизнинг яна бир кўриниши.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан Қўшқўпир туманидаги «Довуд»

— Тинчлик ва хотиржамлик фаровонлиққа пойдевор бўлади, — дейди Антонина Праскова. — Бизнинг юртимиз жана тинчликнинг ўлкадир. 100 дан ортиқ миллиат ва элат вакиллари бир оиладек ҳаёт кечиряпмиз. Партия фаолларининг кўнгил сўраб келганларидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Саховатпеша инсонларга раҳмат.

Термиз шаҳар партия кенгаши ходимлари халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари билан биргаликда «Шифокор» маҳалласида яшовчи ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар ҳамда болаликдан ногирон Умид Усмонов ва Сайёра Бобоева ҳолидан хабар олинди. Уйлар атрофи тозаланиб, мева-ва манзарали дарахтларга ишлов берилди.

Бойсун туман партия кенгаши томонидан «Тоқчи» маҳалласида яшовчи кам даромадли оилалар, «Башраб» маҳалласида яшовчи Доноҳон Рўзиевага рўзгор буюмлари совға қилинди.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан Қўшқўпир туманидаги «Довуд»

маҳалласи ва Хонқа туманидаги «Намуна» қишлоғида истиқлол йилларида кўлга киритилган ютуқларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш мақсадида тадбир ўтказилди.

Дастлаб «Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шiori остида давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида фикр юритилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ҳамкор ташкилотлар, депутатлар ва фаол ёшлар маҳаллалардаги электорат вакиллари хонадонларида бўлиб, совғалар топширилди.

Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбасари Музаффар Туропов хабар беришича, вилоят ва Қашқадарё туман партия кенгашлари томонидан «Чим» қишлоғида тадбир ўтказган. Унда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партия ва маҳалла фаоллари иштирок этган.

Мустақиллик йилларида

мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тамойили асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами кўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича самарали чоратадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган дастурлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Электорат вакилларига Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзosi Абдигулов Бозоров ва ҳормилар кўмағида совғалар топширилди.

Шайхонтохур туман партия кенгаши раиси Ирода Абдуллаева «Хувайдо» ва «Бўстон» маҳаллаларида истиқомат қиладиган кексалар уйларида ўтказилган хашар аҳоли томонидан илқ кутиб олингани ҳақида хабар берди.

Тумандаги «Жангоҳ» маҳалласида яшовчи Ёлғиз кекса Дилбар Қазиевага моддий ёрдам берилди. Жисмоний имконияти чекланган 5 нафар вояга етмаган болага ўқув куроллари тақдим этилди. Уларнинг уйларида олаётган таълим сифати ҳамда оилавий шароити ўрганилди. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Электорат вакиллари билан партиямиз фаоллари, депутатларнинг самимий мулоқоти чоғида ижтимоий масалаларда қатор муносабатлар тушмоқда. Депутатлар маҳаллий ҳокимликлар, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида муаммоларнинг аксариятини жойида ҳал қилишга эришмоқда.

«Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизғин давом этмоқда.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Гулрух ОДАШБЕОВА тайёрлади.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Тошкент шаҳар кенгаши Юнусобод туман кенгаши билан ҳамкорликда 51-оилавий поликлиникада мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан «Тинчлик ва осойишталикни сақлаш — мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир» мавзусида семинар ўтказди.

Тинчлик — бебаҳо неъмат



— Тинчликни, осойишталикни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир, — дейди Юнусобод туман кенгаши раиси Нигора Эшметова. — Бирдамлик, ҳамжиҳатлик тушунчаларини ёшларимиз онига янада чуқурроқ синдириб боришимиз керак, деб ўйлайман. Аъзоларимизнинг дунёқарашини, ҳаётга, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ҳолис муносабатини шакллантиришга хизмат қиладиган лойиҳаларни кўпайтириш талаб этилмоқда.

Иштирокчилар мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачигидек асраш, жаҳонда рўй бераётган турли низо ва қарама-қаршиликларнинг оғир оқибатларини аҳоли, хусусан, ёшларга атрофлича тушунтириш зарурлигини таъкидлашди. Ёшларни мафкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоялашда депутатлар, партия ташкилотлари янада фаол бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилди.

Тадбирнинг иккинчи қисми «Мен Халқ демократик партиясини танладим» лойиҳаси доирасида давом этди. Унда бир гуруҳ ёшларга партиянинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— Поликлиникамиздаги 14 нафар ҳамшира қизимиз ЎзХДП аъзолигига қабул қилинди, — дейди 51-оилавий поликлиника бош шифокори Ўзал Қодирова. — Улар мамлакатимиздаги демократик жараёнлар, ижтимоий-сиёсий ислохотларни мунтазам кузатиб боради. Ўз навбатида, уларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилади.

Раъно Абдурайимова: — Тиббиёт ходими бўлганим сабабли Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифалар этиборимни тортди. Бу ишларни амалга оширишда бевосита қатнашиш мақсадида Ўзбекистон ХДПни танладим.

Зайнура ТОШМУРОВА



Суратларда: «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси доирасида ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БОР?

Аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни сиёсий куч атрофида бирлаштириш, шу орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш партия ташкилотлари олдидаги долзарб вазифалардан бири саналади.

Бу борада ЎзХДП томонидан сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Тарғиботчилар ҳамда экспертлар гуруҳи, депутатлар ва ексспертлар иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатларида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этиляпти.

Хўш, сиёсий ўқувлар самарадорлигини ошириш учун нималарга эътибор қаратиш, қандай усуллардан фойдаланиш зарур?

СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР фикрлар хилма-хиллиги асосида ўтсин

Иноят ХОШИМОВА,

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбасари:

— Дунёда ғоявий таҳдид ва ахборот хуружлари кучайиб, одамлар онги ҳамда қалбини эгаллаш йўлидаги кураш торада кескинлашиб бораётган бугунги кунда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб боришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қарасак, сиёсий ўқувлар таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Партия ташкилотлари семинар ва машғулотларда замонавий услуб, воситалардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Масалан, мулоқот, баҳс-мунозара, тренинг, давра суҳбати ва бошқа ноанъанавий усуллар машғулотларнинг қизиқарли ҳамда жонли ўтишига, тингловчиларнинг мавзу муҳокамасида фаол қатнашишига, фикрлар хилма-хиллигига хизмат қилади. Машғулотлар юқори савияда ва қизиқарли ўтиши учун расмий маърузалардан қочиш, иштирокчиларни гуруҳларга ажратган ҳолда мавзу муҳокамаси ва таклифларга кенг ўрин бериш зарур. Шундай қилсак, ҳар бир қатнашиш тадбирларида фаол иштирок этишга интилади, зарур ҳулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. Ўз-ўзидан бу жараён орқали қатнашчиларда фаоллик ва фикр билдириш кўникмаси шаклланади, мавзунини чуқурроқ ўзлаштириш имкони кенгайди.

Оллоберган МАҲМУДОВ,

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Ҳар бир сиёсий партия жамиятда мустаҳкам ўрин топиш, одамлар ишончини қозониш учун ҳаракат қилади. Бу жараёнда партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий онги, тафаккурини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Партиямиз ғояларини одамлар орасида тушунтириш учун тадбирларимизни замонавий усулларда олиб боришимиз керак. Афсуски, айрим тадбирлар муайян тайёргарликсиз ўтказилди. Етарлича одамни тўлаб, бир-икки маърузачини таклиф қилсак, тадбир ўтади, деган қашф бугунги кунга мутлақо тўғри келмайди. Олдиндан пухта тайёргарлик кўрилсагина, ҳар бир ўқув партия электоратининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллиги ошишига хизмат қилади.

Масалан, тадбирларда партиямиз Сайловолди дастури қай даражада

амалга оширилаётгани, депутатларимиз ва партия ташкилотларининг фаолияти ҳақида кўпроқ кўргазмалар воситалар, мультимедиа маҳсулотлари орқали тушунча беришимиз лозим. Шу орқали жамиятда партия қандай амалий ишлар билан шуғулланаётгани, эришаётган натижалари ҳақида янада кенгрок тасаввур пайдо бўлади. Агар мазкур йўналишларда ишни тўғри ташкил этсак, бу ўз-ўзидан аъзоларимизнинг фаоллигига, сиёсий-ўқувлар савиясига, тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, машғулотларни аудиториянинг ўзига хос хусусияти, яъни тингловчининг касб-кори, қизиқишини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Тадбир бошланмасдан олдин ҳар бир иштирокчига мавзу юзасидан услубий қўлланмалар тарқатилса, улар муҳокамага қўйилган мавзу юзасидан кўпроқ маълумотга эга бўлади ва ўз фикрини дидил айта олади.

Гулрухбегим САЙФИДДИН қизи ёзиб олди.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИАТЛАРИХАБАРЛАР
ТУЛҚИНИДАГерманияда
даволашниши

«Соғлом авлод учун» халқ-аро фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ўртасидаги битимга мувофиқ, ҳар йили 12 ёшгача бўлган, терисидан қуёш асоратлари қолган ва тузма қўл-оёқ бўғинлари касалликларидан азоб чекаётган болалардан бир гуруҳи Германиянинг нуфусли клиникаларида даволашмоқда. 2002-2016 йиллар ичида Германияда даволашиб, соғлом ҳаётга қайтарилган болалар сони 322 нафарга етди.

Кеча яна 16 нафар бемор бола Германияга жўнатилади. Улар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда даволашмоқда.

21 август кунини эса Германия клиникаларида даволаётган болаларнинг бир гуруҳи юртимизга қайтади.

Тошкент
аэропортидаюклари сканердан
ўтказишнинг янги тизими
жорий этилди

«Тошкент» халқаро аэропортида юклари сканердан ўтказиш автоматлашган тизими жорий этилди. Бу юклари йўловчиларга бериш вақтини яқини тарзда қисқартиради, деб ёзмақда «Газета.уз».

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизматининг маълум қилишича, янги автоматлаштирилган тизим апрель ойида ишга туширилган эди. Бу давр ичида йўловчиларнинг юки йўқолиши, унга зарар етиши билан боғлиқ эътирозлари анча камайди.

Тизим Ўзбекистонлик дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиси томонидан яратилган бўлиб, аэропортдаги видеокузатув тизими билан уйғунлаштирилган.


Сканерлаш ва ҳисобга олиш ҳозирча фақат учиб келган рейсларга нисбатан амалга оширилмоқда, айни пайтда тизим учиб кетаётган рейслар учун синов босқичида.

Ушбу жараёнда тўпланган тажриба янги «Тошкент-4» йўловчи терминалининг қурилишида ҳам инобатга олинади.

Нишон
туманидамаданият ва аҳоли дам
олиш маркази
фойдаланишга
топшилди

Ушбу марказ 150 ўринли томоша залига эга бўлиб, 15 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади.

Тадбирда М.Тошмухаммедов номидаги Қашқадарь вилоят музыкали драма театри, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими ҳамда Нишон туманида ижод қилаётган хонандалар, фольклор-этнография ансамбллари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.



ДЕХҚОНОБОД ОБОД БЎЛМОҚДА

Дехқонобод юртимизнинг энг чекка туманларидан бири. Яқин-яқингача уни ўраган пурвиқор тоғлар ва сўлим боғлар, бепоеън яйловлар, самимий ва кўнгли очик, танти ва меҳнаткаш одамлари бу масканнинг асосий бойлиги саналарди.

Сабаби... туман фақат галлачилик, чорвачилик ва боғдорчиликка асосланган бўлиб, иқтисодиёт ночор эди, аҳоли ўртамиёна кун кечирар, турмуш тарзи ҳам шунга яраша эди.

Ўттиз-қирқ йил олдин деҳқонободликнинг биргина орзуси бор эди: туманга табиий газ келса... Аммо шўролар даврида бу орзу ҳеч қачон ушалмайдигандек туюларди.

Истиқлол туфайли элнинг кўнглида гимирлаб юрган ниятлар мўъжизавий тезликда рўйга чиқа бошлади. Деҳқонободга қувурлар тортилиб, табиий газ келтирилиши мустақилликнинг дастлабки совғаси бўлди. Туман ахлининг турмуши энгиллашди.

Туман ахли учун армондай туюлган орзулар амалга ошди. Кетма-кет мўъжизалар рўй бера бошлади. «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрган» темир йўли қурилиши бошланганда деҳқонободликлар ҳайрон бўлиб қолишди. Хайбатли тоғ-у тошлар, қоялар, сой ва даралар оша темир йўл ўттиши, ундан поездлар катнаши ақлга сикмасди.

Темирйўлни юртдошларимиз чинакам жасорат, матонат ва

маҳорат намунасини кўрсатишди. Умумий узунлиги 223 километрлик, 37 кўприкдан ўтадиган йўл қисқа муддатда қуриб битказилди. Биргина Қорадаҳна қишлоғи яқинидаги Консой устига қурилган кўприкни пастандан кўрган кишининг ҳайрати ошиб, бунёдкорларга таҳсин айтади. Кўприкнинг узунлиги 234,2 метрни, баландлиги эса 45 метрни ташкил этади-да. 170 километр масофани ва 7 соатлик қатнов вақтини тежашга имкон берадиган мазкур темир йўл 2007 йилининг август ойида фойдаланишга топширилди.

Йўл бўйлаб бунёд этилган 6 вокзал ва улар атрофидаги хизмат кўрсатиш шохбачалари ушбу ҳудуддаги аҳолининг турмуш тарзини ўзгартириб юборди. Тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очди. Айни пайтда «Деҳқонобод» ва «Оқраб» станцияларида темир-йўлчилар учун 4 та икки қаватли ва 2 та бир қаватли замонавий коттеж қурилди. Шунингдек, «Деҳқонобод» станцияси ҳудудида барча қўлайликлар ва замонавий жиҳозларга эга бўлган спорт мажмуаси барпо этилди.

2009 йилнинг 20 августидан «Тошкент — Термиз — Тошкент» йўналиши бўйича қатнов бошланди. Бу эса туман иқтисодиётини юксалтиришда муҳим омил бўлди.

Туманга саноат дадил қадамлар билан кириб кела бошлади. Лойиҳа қиймати 123,7 миллион долларлик, йилига 200 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган замонавий завод бунёд этилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Тепакўтон туз кони бағрида 215 миллион тоннадан ортиқ калий тузлари (сильвинит) бор бўлиб, 250-700 метр чуқурликда жойлашган ушбу захира 300 йилга етаркан.

Бундан ташқари, Деҳқонобод заминидан нефть, газ, калий тузи, гипс, оҳак ва бошқа хил қазилма бойликларини ўзлаштириш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Халқимизда «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар қийинлик», деган мақол бор. Иқтисодий юксалишлар турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Сўнгги ўн-ўн беш йилда туман ҳудудида барча замонавий қўлайликларга эга бўлган 8 касб-ҳунар коллежи, 80 га яқин таълим ва 12 тиббиёт муассасаси, болалар мусика ва санъат мактаби, шунингдек, ФХДЭ туман бўлими, давлат солиқ инспекцияси, молия бўлими, газначилик бўлинимаси, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман

бўлинмаси, ТЭМК бинолари қурилди, 10 замонавий маҳалла гузар, кўлаб савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объекти барпо этилди.

Шўртангазкимё мажмуи ҳимийлигида электр энергиясини тежовчи лампочка цехи, қандолат маҳсулотлари, турли ширинликлар, печенье ва макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар бунёд этилди. Натижада аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш учун катта имконият яратилди.

Кейинги олти йил давомида қурилган 270 дан зиёд намунавий лойиҳадаги уй-жойларда деҳқонободликлар ҳовли тўйларини ўтказиб, фарзандлари билан умргузаронлик қилмоқда.

Айниқса, икки йил муқаддам бунёд этилган 5-болалар мусика ва санъат мактаби туман ахлининг фахрига айланган. Умумий қиймати 2 миллиард 400 миллион сўмлик ушбу санъат хошо-наси 150 нафар ўқувчига мўлжалланган. 250 ўринли концерт зали, хореография, ракс, тасвирий санъат, маънавият хоналари ёш истеъдодлар хизматида. Ҳозир бу ерда тасвирий санъат, эстрада ва анъанавий хонандалик, миллий чолғу асбоблари бўлимларида санъатта иштиёқманд 120 нафар ўқувчи таълим олмақда. Уларга 19 нафар тажрибали устоз-мураббий мусика ва санъат сирларини кунт билан ўргатмоқда.

Бибиқорасоч қишлоғида яшовчи Ҳайдар бобо Бозоров узок йиллар таълим соҳасида ишлаган. Ҳозир кексалик гаштини сурмоқда.

— Бугунги кунимизга минг марта шукр қилсак ҳам кам, — дейди Ҳайдар бобо. — Замон шунчалар яхши бўлиб кетаяпти-ки, севинчдан юрагинг кўксингга сиғмайди. Юрт гўзаллашиб, обод бўлиб бораёптики, ҳавасинг келадими! Биз қандай мактабларда ўқиган эдик?... Томининг усти ёпилганини айтмаса, мисли чордевор эди. Мактаб болалари гуррос ўтиб-қайтишса, шипганча чанг кўтариларди. Энди эса бири-бирдан кўркам, чиройли мактаблар, коллежлар қурилаяпти. Бир кун қизиксиниб, мактабга борсам, оғзим ланг очилиб қолди. Синфхоналар — кенг ва ёруғ, шинам ва озода, биллим олиш учун нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё.

Ҳа, бугун деҳқонободликларнинг дастурхони тўкин, ҳаёти эса фаровон. Тумандаги 8 озиқ-овқат бозорида аҳоли эҳтиёжи учун исталган нарсаси топилади. Каттаю кичик бугунги кундан мамнун, эртанги кундан умидлари янада катта.

Ушбу саодатни эса чорак аср муқаддам бошимизга бахт қуши бўлиб қўнган — Истиқлол берди, Мустақиллик берди.

Абдуқайом БЕККАМОВ,
туман ҳокимлиги масъул
ҳодими, Ўзбекистон ХДП
фаоли.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

БМТ

50 миллион доллар
ажратди

БМТ Фавқуллодда вазиятларга шोшилиш жавоб кўрсатиш фондидан Яман ва бешта Африка мамлакатига гуманитар операцияларни молиялаштириш учун қўшимча 50 миллион доллар ажратди, деб ёзади ТАСС ахборот агентлиги.



Маблагнинг катта қисми — 35 миллион долларга яқини сиёсий бекарорлик, озиқ-овқат тақчиллиги ва касалликлар ҳуқми сураётган ҳудудлар ўртасида тақсимланади. 13 миллион доллар Ямандаги гуманитар ёрдамга муҳтож аҳолига сарфланади. 2 миллион доллар Эритреядаги қургўчилик оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва сув таъминоти билан боғлиқ вазиятни ўнглашга ишлатилади.

38 СОАТ
ДЕНГИЗДА
ЁЛҒИЗ СУЗИБ,
ОМОН ҚОЛДИ

Саёҳат кемасидан тушиб кетган хитойлик аёл 38 соат давомида денгизда сузиб, омон қолди. Бу ҳақда, «Интерфакс» хабар бермоқда.



32 ёшли Фэн исмли аёл Шанхайдан Япония ва Жанубий Кореяга йўлга чиққан кемада бўлган. Денгиз манзараларини томоша қилаётиб, мувозанатни сақлай олмасдан тахминан етти қаватли уй баландлигидан денгизга тушиб кетди.

У билан саёҳатга чиққан ота-онаси қизининг гойиб бўлганини бир неча соатдан сўнг билишди.

Фэн қарийб икки кун давомида сувсиз, овқатсиз ва қутқарув ашёларисиз денгиз бағрида сузиб юради. Уни тасдиқдан дуч келган балиқчилар қутқаришди.

ИЮЛЬ

тарихдаги энг иссиқ
ой сифатида қайд
этилди

Жорий йилнинг июль ойи бутун дунё қузагувлари бўйича, тарихдаги энг иссиқ ой, дея қайд этилди. НАСА иқлимшуносларининг таъкидлашича, ўтган йилги рекорд ортда қолган. Бу ҳақда The Independent нашри маълум қилди.



Океан ва атмосфера миллий тадқиқотлар бошқармаси (АҚШ) маълумотларига кўра, охириги 14 ойда рекорд даражадаги иссиқ иқлим кузатилган.

Дарвоқе, 2015 йилда Буюк Британиянинг Метеорология маркази 2016-2017 йилларнинг иссиқ келиши ҳақида огоҳлантирган эди.

РАФБАТ

Солиқ имтиёзлари —
иқтисодий ривожланиш омили

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда тизимни рақобатбардор ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган илгор ускуналар билан таъминлаш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Пировардида тайёрланаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бораёттир. Мазкур муваффақиятларда эса солиқ имтиёзлари ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий сектор манфаатлари йўлида солиқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар иқтисодий ривожланиш омили бўлаёттир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида биргина Сурхондарь вилоятида замонавий технология билан жиҳозланган ўндан ортиқ хусусий корхоналар ишга туширилганлиги фикримиз далилидир.

Бугунги кунда вилоятда 11 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Улардан бири «Сурхон Термиз чинни»

масъулияти чекланган жамияти фаолиятига доир рақамлар таҳлили шунини кўрсатадики, 2015 йилда Солиқ кодексининг 356-моддасига биноан берилган имтиёзлар туфайли мазкур корхона 348 миллион 578 минг сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолган. Йилига саккиз миллион донагача чинни маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхонада 150 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили 2 миллион 700 минг дон чинни тайёрланди.

— Маҳсулотларимиз ҳам сифати, ҳам мақбул

нархи билан харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди мазкур МЧЖ ижрочи директори Р.Неъматуллаев. — Чинни буюмларимизга бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда. Корхонамиз фаолиятини кенгайтиришда солиқ имтиёзларининг аҳамияти катта бўлаяпти. Мисол учун, шу йилнинг ўтган даврида солиқ имтиёзлари туфайли 444 миллион 629 минг сўмлик маблағ ўзимизга қолди. Йил якунига кўра, солиқ имтиёзлари ҳисобидан тежалган молиявий захира ҳисобидан янги технологиялар олиб келиб ўрнатишни режалаштирганмиз.

Албатта, бу каби солиқ имтиёзлари жойларда янги тармоқларни ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини тобора кенгайтирмоқда.

Илёс РАХМАТОВ,
Сурхондарь вилоят ДСБ
ахборот хизмати
бошлиғи.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ!

ИИБ Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси ва «Istiqbolli avlod» ижтимоий ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида одам савдосига қарши курашишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотларининг бу иллатнинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлиги, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

Одам савдосига
қарши курашиш
масалалари муҳокама қилинди

Семинарда қайд этилдики, мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, одам савдоси жиноятига барҳам бериш учун ҳуқуқий-норматив база шакллантирилди.

Хусусан, 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу глобал муаммага қарши курашиш ҳамда ундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан юқоридаги қонун нормалари ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди.

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад жуда катта рақамни ташкил этади. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар инсон муқдш савдонинг жабрланувчиси айланмоқда. 600-800 минг нафар аёл ва бола алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Одам савдосидан азият чекаётган жабрланувчилар орасида аёллар ва вояга етмаган ёшлар борлиги бизни янада ҳушёр бўлишга чорлайди.

Семинарда тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РИО — 2016

■ XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон 2 олтин, 1 кумуш ва 4 бронза медали билан 207 давлат орасида 25-ўринни эгаллаб турибди.

Ватанни улуғлаган ғалабалар

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги тантаналари арафасида спортчиларимиз XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафига муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Рио-де-Жанейро олимпиадасида истеъдодли боксчиларимиз Хасанбой Дўсмаев (49 кг)нинг қўлга киритган олтин медали, дзюдочиларимиз Диёрбек Ўрозбоев (60 кг), Ришод Собиров (66), юн-рум курашчиси Элмурод Тасмурадов ҳамда «чарм қўлқоп» устаси Рустам Тўлаганов шохсупанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олиши халқимиз кайфиятини нечоғли кўтариб юборганлигини сўз билан ифодалаш қийин, албатта.

Ҳамюртларимиз бу ғалабалар билан кифояланиб қолмасдан, муваффақиятли чиқишларини давом эттираётганлиги барчамизнинг кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдирмоқда.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида 207 давлат спортчилари қатнашаётган бўлса, ҳозиргача улардан фақат етмишга яқин мамлакат вакилларигина шохсупага кўтарилиш бахтига мушарраф бўлди.

Куни кеча оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов (105 кг) Рио-де-Жанейро олимпиадасида олтин медални қўлга киритиш билан бирга, ёзги Олимпия ўйинлари рекордини янгилаб, Ўзбекистон ёшлари нималарга қодир эканини бутун дунёга яна бир карра намойиш қилди.

Ҳамюртимиз шангани даст кўтаришда 194, силтаб кўта-

ришда 237, иккикураш якунига кўра, 431 килограмм натижани қайд этиб, Олимпия ўйинлари голиби бўлди. Силтаб кўтаришда 237 килограмм натижа билан олимпиада рекордини ҳам янгилади. Бундан аввалги рекорд белоруслик Андрей Арамнауга тегишли эди. У 2008 йилги Пекин олимпиадасида 236 килограмм натижани қайд этганди.

Руслан — истиклол тенгдоши! У 1991 йил 24 ноябрда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида туғилган. Илк сабоқларни мураббий Альберт Валиевдан олган.

Руслан халқаро майдондаги дастлабки ғалабасига 2009 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эришди.

2011 йили Франциядаги жаҳон чемпионатида кумуш, 2012 йили Жанубий Кореяда ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Лондон Олимпиадасида кучли тўртликдан жой олди. 2013 йили Осиё чемпионатида учта олтин медалга сазовор бўлди, Бутунжаҳон Универсиадада икки мартаба рекорд ўрнатиб, чемпионликка эришди. Польшада ўтган жаҳон чемпионатида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Президентимиз фармонида мувофиқ «Ўзбекис-



Суратда: олтин медаль учун курашаётган боксчиларимиздан бири Муроджон Аҳмадалиев.

тон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонлари билан тақдирланган.

— Руслан тиришқоқ ва меҳнатсевар йигит — дейди унинг устози Ойбек Тургунов. — У бундан тўрт йил муқаддам Лондон олимпиадасидаёқ ўзининг қандай имкониятга эга эканлигини намойиш этганди. Ўшанда қўлланган техник хато эвазига мусобақа совриндорлари сафига қўшила олмай қолганди. Аммо Руслан бундан асло тушунлиққа тушгани йўқ. Камчиликлари устидан астойдил ишлагани, мураб-

бий ва устозлар кўрсатмасига қўлоқ тутиб, изланганлиги эвазига бугун спортимиз шўхратини жаҳонга кўз-кўз қилди. Шундай шогирдим борлигидан фахрланаман. Унинг Рио-де-Жанейро олимпиадасидаги чиқишини интизорлик билан кутдим. Руслан Нурудинов кўксини Олимпия ўйинлари олтин медали беаганида худди ўзим чемпион бўлгандек хурсанд бўлдим. Бу нафақат полвонимизнинг, балки унинг ота-онаси, мураббийлари, халқимизнинг, Ўзбекистоннинг ғалабаси, деб биламан.

Дарҳақиқат, истеъдодли спортчимизнинг эришган ютуғини бутун дунё спорт жамоатчилиги катта ҳаяжон ва эътибор билан кузатди.

— Бугун Руслан қайд этган натижани ҳақиқий мўъжизага қийслаш мумкин, — дейди Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Томаш Аян. — Бу Ўзбекистонда спорт қай даражада тараққий этиб бораётганининг ёрқин исботидир. Рио ўйинларида ўзбек спортчилари қайд этган натижалар таҳсинга сазовор. Олимпия ўйинларида бундай натижаларга ўз-ўзидан эришиб

бўлмайди. Мен Ўзбекистонда бир неча мартаба бўлганман. Мамлакатингизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ислохотларни алоҳида таъкидламоқчиман. Бунинг самараси бугун Олимпия ўйинларида яққол намойиш бўлмоқда.

— Ҳозир жуда ҳаяжонданман, — дейди Руслан. — Қалбимда кечаётган ҳис туйғуларни таърифлаб беролмайман. Бу барча юртдошларимизнинг ғалабасидир. Фурсатдан фойдаланиб, мени қўллаб-қувватлаганларга самимий миннатдорчилигини изҳор қилмоқчиман.

Рио-де-Жанейро олимпиадаси кашфиётига айланган боксчимиз Шахрам Ғиёсов финалгача бири-бирдан кучли рақибларни доғда қолдирди.

Финал йўлланмаси учун ўтган баҳсда Шахрам Ғиёсов амалдаги жаҳон чемпиони Муҳаммад Рабии (Марокаш) қарши рингга чиқди. Кескин ва мурасиз кечган учрашувнинг барча раундида маҳоратини намойиш қила олган ҳамюртимиз навбатдаги ғалабасини нишонлади ҳамда ўзининг финалгача муносиблигини исботлади...

Хал қилувчи жангда қозогистонлик таниқли боксчи Данияр Елуссинов ҳамюртимиздан бироз устун деб топилди.

Яна икки нафар боксчимиз — Фазлиддин Ғойибназаров (64 кг), Шаҳобиддин Зоиров (52 кг) чорак финал жангларида муваффақиятли яқунлаб, ярим финалгача йўлланмани қўлга киритишди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ТАҚДИМОТ

Республика киносилар уйида «Ўзбекино» Миллий агентлиги қошида ташкил этилган «Киноактёр театр студияси» томонидан ёзувчи Ёддат Илёсовнинг «Олачипор ажал» тарихий романи асосида саҳналаштирилган «Тўмарис» спектаклининг тақдими бўлиб ўтди.

Тўмарис саҳнада



Унда таниқли санъаткорлар, фан ва маданият намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Спектаклда Тўмарис образини истеъдодли санъаткор Элмира Раҳимжонова яратган. Шунингдек, Карим Мирҳодиев, Фарҳод Худойбердиев, Гулмурод Абдуллаева, Феруза Собитова, Жамилла Ғофурова, Нарғиза Салмонова каби актёрлар ҳам турли ролларни ижро этишган.

Спектакль якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга режиссёр ва актёрлар атрофида жавоб қайтаришди.

Шаҳбоз САИДОВ

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 25 йиллиги
барчамизга муборак бўлсин!

Moody's
INVESTORS SERVICE

халқаро рейтинг агентлиги

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банкининг**

рейтингларини
ТАСДИҚЛАДИ.

Рейтинглар истиқболи:
«Барқарор»

Юртимиз билан улкан ютуқлар сари
қадам ташлаймиз!

Хизматлар лицензияланган.

**ЗАВОД «КРАНЫ И
СПЕЦТЕХНИКА»**

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8858
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:45
Topshirilgan vaqti — 03:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ozod RAJABOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6